

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАРУНИВЕРСИТЕТИ



5233200-Агрологистика таълим йўналиши негизидаги:

- 5A232501-Логистика (агрологистика)

**магистратура мутахассислигига кировчилар учун махсус
(ихтисослик) фанларидан**

ДАСТУР

ТОШКЕНТ – 2020 й.

Аннотация

Дастур 5А232501-Логистика (агрологистика) магистратура мутахассислигига кирувчилар учун 5233200-Агрологистика таълим йўналишининг 2018/2019 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

Тузувчилар:

- Саидов М.Ҳ. - ТошДАУ, “Агрологистика” кафедраси мудир, профессор, и.ф.д.
Саидова Д.Н. - ТошДАУ, “Агрологистика” кафедраси доценти, и.ф.н.
-

Дастур Агрологистика ва бизнес факультетининг 2020 йил 30 июндаги № 9 сонли Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва тамдиқлашга тавсия этилган.

КИРИШ

5233200-Агрологистика бакалавриат таълим йўналиши- фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, у эркин иқтисодий зоналарда логистик фаолиятни ташкил этиш, бошқариш, режалаштириш, назорат қилиш, маркетинг комплекси, эркин иқтисодий индустриал зоналар, бозорни сегментлаш ва позициялаштириш, логистика тизимида тадқиқотлари ўтказиш, корхоналарнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, товар, нарх, сотиш, силжитиш, етказиб бериш занжирини ташкил этиш, янги товарларни бозорга киритиш, корхоналарни ташқи бозорларга чиқиш усуллари, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва эркин зоналарда логистика фаолиятини ривожлантириш, истиқболни белгилаш мажмуасига йўналтирилган усул ва воситалар мажмуини қамраб олади.

Таълим йўналиши негизида мутахассисликнинг вазифаси талабалар билимларини чуқурлаштириш, логистик жараёнларни моделлаштириш, агрологистиканинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, назарий ва амалий билимларни, ўқув ва кўникмаларни шакллантириши; мутахассислиги бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши, мутахассислиги бўйича илмий тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни бошқаришнинг замонавий технологияларини, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларни ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

5233200-Агрологистика бакалавриат таълим йўналиши негизидаги 5A232501-Логистика (агрологистика) магистратура мутахассислигига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 7 та ихтисослик фанлари бўйича: “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маркетинги”, “Логистика”, “АСМ иқтисодиёти”, “Агрологистика”, “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”, “Етказиб бериш занжирларида бошқарув”, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси” тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАР МАРКЕТИНГИ” фани бўйича:

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги” фанининг мақсади ва вазифалари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги тушунчаси ва моҳияти. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бошқарув маркетинги. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ахборот билан таъминлаш. Қишлоқ хўжалик

ахборот хизмати маркетинги. Агромаркетинг ахборотини йиғиш. Агромаркетинг тадқиқотлари жараёни тушунчаси. Қишлоқ хўжалигида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш. Ўзбекистонда маркетинг фаолиятини ташкил этиш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетингининг ички соҳаси. Ўзбекистонда агромаркетинг фаолиятини ташкил этиш. Агросаноат мажмуасининг бозор сифими ва унинг потенциали. Аграр бозор улушларининг турли хўжалик ўртасида тақсимланиши. Агросаноат мажмуида ахборот оқимлари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги дастури ҳақида тушунча. Қишлоқ хўжалигида маркетинг стратегиясини тадқиқ этиш. Қишлоқ хўжалигида маркетингни бошқаришда халқаро маркетинг тамойиллари ахамияти. Стратегик ва тактик режалаштириш, маркетинг назорати. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги стратегик режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришини режалаштириш ва прогноз қилиш. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кўрсаткичларини прогноз қилиш. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини режалаштириш тизими ва услублари. Қишлоқ хўжалик корхонасининг бизнес режаси. Бозор сигментацияси ва харидорлар турлари. Қишлоқ хўжалиги инфуратузиламаси. Нарх ва нарх сиёсати. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сотиш сиёсати. Қишлоқ хўжалиги товарларни тарқатиш тармоқлари хусусиятлари ва уларни тузилиши. Чакана савдо. Улгуржи савдо. Воситачини танлаш ва сотиш тармоғини шакллантирувчи омиллар. «Мерчендайзинг» товарларни сотишни жадаллаштириш фаолиятини режалаштириш. Қишлоқ хўжалиги маркетингида реклама, маҳсулотларни тақсимлаш ва товар ҳаракати каналлари.

“ЛОГИСТИКА” фани бўйича:

«Логистика» фанига кириш. Логистиканинг пайдо бўлиши. Армияда логистикадан фойдаланиш. Логистиканинг фан сифатида шаклланиши. Логистиканинг ривожланиш босқичлари. Логистиканинг назарий тарафлари. Логистиканинг асосий ҳолати ва тамойиллари. Логистик занжирлар ва операциялар. Логистик тизимлар. Логистикада оқимлар ва уларнинг турлари. Логистикада асосий оқимлар. Моддий оқимлар. Моддий захира тушунчаси. Захиралар ҳосил қилишнинг моҳияти. Захираларнинг асосий турлари. Захира ўлчамларини аниқлаш. Захираларни бошқаришда ABC ва XYZ таҳлили. Моддий захира тушунчаси. Захиралар ҳосил қилишнинг моҳияти. Захираларнинг асосий турлари. Захира ўлчамларини аниқлаш.

Логистик ахборот тизим ва технологиялари. Ахборот оқимлари. Сервис ва иқтисодий оқимлар. Логистикада маркетинг изланиш. Харид логистикаси. Захира логистикаси. Логистик тизим концепциясининг назарий асослари. Логистика концепцияси эволюцияси. Логистика илмий йўналиш сифатида. Логистикани ривожланиш босқичлари. Логистикани бошқаришнинг услубий жиҳатлари.

Макро логистика тушунчаси. Макро логистик тизим вазифалари. Микро логистика тушунчаси. Микро логистик тизим вазифалари. Макро логистик тизимда транспорт харакати йўналиши. Макро ва микрологистикада умумий ахборот тизими.

Ишлаб чиқариш логистикаси тушунчаси. Таксимот логистикаси. Логистика марказлари ва терминалда етказиб бериш тизимлари. Транспорт хизмати учун логистика тизимлари. Транспорт-ишлаб чиқариш масаларини ечиш усуллари. Транспортнинг турли шаклларидаги транспорт ва логистика тизимларининг хусусиятлари. Қадоклаш, йўловчи ва юк ташишда логистик ёндашув қоидалари. Идишлар ва қадокларнинг логистик жиҳатлари. Юкларни етказиб бериш тизимини лойиҳалаш тамойиллари. . Юкларни етказиб бериш тизимининг сифат даражасини баҳолаш учун параметрлар: нарх, ишончлилик, ўз вақтида, хавфсизлик, хавф, мувофиқлик, имидж, тўлиқ маълумотлар. Йўловчилар ташиш технологиясида логистик ёндашувнинг асосий қоидалари. Йўловчи транспорт тизимларининг минтақавий логистикаси. Шаҳар йўловчи ташиш транспортда логистика технологиялари. Транспорт логистикаси тизимини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш. Логистика харажатлари ва логистика самарадорлиги. Логистика харажатлари. Харажатларни таснифлаш: буюртмаларни қайта ишлаш, маҳсулот захиралари, омбор фаолияти ва бошқа турдаги харажатлар. Логистика самарадорлиги.

Молиявий логистика оқимлари тушунчаси, моҳияти ва таснифи. Молиявий оқимларни бошқариш. Рақобатбардош иқтисодий оқимлар ва уларни логистизациялаш. Логистикада иқтисодий-математик моделлаштириш. Логистик хизмат кўрсатиш мажмуида товар белгилари. Товар белгисини танлаш ва ишлаб чиқиш. Товарга узоқ муддатли қулайликни яратиш бўйича замонавий технологиялар. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва товарлар ҳамда хизматларни сертификациялаш. Маҳсулот ва хизматларни сертификациялашнинг ташкилий ҳамда услубий асослари. Сертификатларнинг шакллари ва турлари ҳамда уларнинг хусусиятлари.

"АСМ ИҚТИСОДИЁТИ" фани бўйича:

"АСМ иқтисодиёти" фанининг предмети, уни ўрганиш усуллари. АСМ соҳаларида иқтисодий ислохотлар ва уларни жадаллаштириш йўналишлари. АСМ соҳаларида иқтисодий ислохотлар, бу борада қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий меъёрий асослар. АСМ соҳаларида юзага келган мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари, улрнинг мазмуни ва моҳияти. АСМ соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. АСМ соҳаларини модернизациялаш, унинг мазмуни ва моҳияти. АСМ соҳаларига йўналтирилаётган инвестициялар, уларнинг мақсади, моҳияти ва самарадорлиги. АСМда ер фонди ва ундан самарали фойдаланиш. АСМда сув баланси ва ундан самарали фойдаланиш. Агросаноат мажмуаси

тармоқларига ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳанинг вазифалари ва аҳамияти. АСМ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш соҳаси. АСМ ишлаб чиқариш соҳасининг инфратузилма субъектлари. АСМ ижтимоий соҳа инфратузилма субъектларида ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар. Қишлоқ хўжалиги - агросаноат мажмуасининг асосий бўғини, унинг ўзига хос хусусиятлари. Фермер хўжаликларини ташкил этиш тартиби, фермер хўжалигининг Устави. Дехқон хўжаликларини ташкил қилиш, фаолиятини йўлга қўйиш, маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш. Агросаноат мажмуасининг соҳаларида моддий-техника ресурсларининг таркиби, тутган ўрни ва мустаҳкамлаш йўллари. АСМда асосий ва айланма маблағлар, уларни шакллантириш ҳамда самарали фойдаланиш йўллари. Агросаноат мажмуасида меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш кўрсаткичлари. Меҳнат унумдорлиги, унинг моҳияти ва ҳисоблаш усуллари. АСМ тармоқларида ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот таннархи. Агросаноат мажмуасида ишлаб чиқариш ҳаражатлари, унинг моҳияти. АСМ тармоқлари маҳсулотларида нархлар, уларни белгилаш меъзонлари. Агросаноат мажмуаси фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари. Агросаноат мажмуаси тармоқларини интенсив ва экстенсив ривожлантиришнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва зарурияти. АСМ маркетинги ва уни самарадорлиги. АСМни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими. Агросаноат мажмуаси тармоқларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг моҳияти, зарурияти ва вазифалари. Агросаноат мажмуаси маҳсулотларини давлат томонидан харид қилиш. Агросаноат мажмуаси соҳаларига ажратиладиган дотация ва субсидиялар. Агросаноат мажмуасида ҳаражатларни тежашга қаратилган чора-тадбирлар. Иқтисодий дастаклар (кредитлар, солиқлар тизими, нархлар) ва улардан фойдаланиш. Европа ҳамжамияти давлатлари, ЕИда ягона аграр сиёсатни ишлаб чиқилиши, унинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти. Қишлоқ хўжалигини қўллаб қувватлаш тизими. Маҳсулотларни импорт ва экспорт қилиш. Маҳсулотлар сифатига қўйиладиган талаблар. МДҲ агросаноат мажмуаси тизимида ислохотлар, уларни жадаллаштириш йўналишлари. АСМ соҳаларини истиқболда ривожлантириш дастурлари ва концепциялари. АСМ соҳаларига инвестициялар жалб қилиш, давлат томонидан қўллаб қувватлаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш. Маҳсулотларни экспорт қилиш кўлами.

“АГРОЛОГИСТИКА” фани бўйича:

“Агрологистика” фанининг предмети ва объекти. Агрогистика фанининг мақсади ва вазифалари. Логистика асосий тамойиллари тўғрисида тушунчалар. Моддий оқимлар тушунчаси. Логистик тизим ва логистик занжир тўғрисида тушунча. Агросаноат мажмуида логистик тизими. Қишлоқ хўжалик корхонасининг логистик тизимини шакллантириш асослари.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг анъанавий ва логистик концепциялари. Ишлаб чиқариш тизимларининг сифат ва миқдор эгилувчанлиги. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши логистикасида моддий оқимларни бошқаришнинг рағбатлантирувчи тизимлари. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши логистикасида моддий оқимлар бошқарувининг етакловчи тизимлари. Фермер хўжалигини тадибқорлик фаолиятдан фойдалилик даражасини логистик харажатларни ҳисобга олган ҳолда миссия усули бўйича аниқлаш. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида моддий оқимларни бошқариш жараёнида логистик ёндашувни қўллашнинг самарадорлиги. Синергетик самарадорлик.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида таъминот функцияларини амалга ошириш. Харид логистикасида «ишлаб чиқариш ёки харид қилиш» масаласи.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини товарлар билан таъминловчи инфратузилмаларнинг ривожланиши. Хизмат кўрсатиш ва тарқатишни тақсимлашни логистик ташкил этиш.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш тамойиллари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш жараёнларида транспорт воситаларининг турларини ва сонини танлаш услубиёти. Транспорт тарифлари ва уларни қўллаш қоидалари. Логистик занжирнинг харажатларини аниқлаш. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берувчиларини танлаш. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташишда маҳсулот йўқотишлари. Инкотермс-2000. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлашда маҳсулот йўқотишлари. Ахборот оқимлари тушунчаси. Ахборот тизимлари. Ахборот технологиялари. Штрих-кодларни автоматик аниқлаш усулларини қўллаш.

“АГРАР СИЁСАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ” фани бўйича:

“Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги” фанининг предмети, мақсади, вазифаси ҳамда тадқиқот усуллари. Аграр сиёсат- давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми. Аграр сиёсатнинг тарихий, ҳуқуқий ва институционал асослари. Давлатнинг аграр сиёсати, унинг мақсадлари ва вазифалари. Аграр сиёсатнинг бўғинлари, босқичлари ва ривожланиш тамойиллари. Аграр сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усуллари, механизмлари. Аграр сиёсат самарадорлигини баҳолаш бўйича назарий ва услубий ёндашувлар. Ривожланган, ривожланаётган давлатлар ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида аграр сиёсат ва ислохотларнинг хусусиятлари ҳамда йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг мазмуни, мақсади ва асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикасини 2017 — 2021 йилларда янада

ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатининг ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ҳамда жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Аграр ислохотларнинг мақсади, воситалари ва асосий йўналишлари. Ўзбекистонда аграр ислохотларнинг ҳуқуқий асослари ва амалга оширишнинг босқичлари ва вазифалари. Аграр секторда рақобатбардошлик муҳитини шакллантириш йўналишлари. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш йўналишлари. Аграр иқтисодиётда институционал сиёсатнинг мазмуни ва мақсади, амалга ошириш воситалари ва унсурлари. Аграр таркибий ўзгаришлар сиёсати ва озиқ-овқат соҳасида модернизация, интеграция, диверсификация жараёнлари тўғрисидаги турлича назариялар. Аграр иқтисодиётда инвестицион ва инновацион сиёсатнинг мазмуни - мақсади ва йўналишлари, амага ошириш воситалари ва унсурлари. Венчур тадбиркорлигини ривожлантиришнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши. Аграр иқтисодиётда молия-солиқ сиёсатининг мазмуни ва мақсади. Аграр бозорларнинг ўрни, таркиби ва вазифалари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф мувозанати, унга таъсир этувчи омиллар. Рақобатнинг турли шаклларида аграр бозорларда нархнинг шаклланиши. Озиқ-овқат қиймати яратилиш занжири.

Озиқ-овқат хавфсизлиги аграр сиёсат тамойили сифатида. Озиқ-овқат соҳасини давлат томонидан тартибга солиш – озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш асоси. Мамлакат ва ҳудудлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга илмий ёндашувлар ва тамойиллар. Озиқ-овқат баланси, таъминоти ва истеъмоли. Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари, тамойиллари ва даражалари. Озиқ-овқат хавфсизлигининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатлари. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда субсидиялаш масалалари. Қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш соҳаларининг озиқ-овқат таъминотидаги ўрни. Озиқ-овқат хавфсизлиги даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар ва шарт-шароитлар тизими. Озиқ-овқат хавфсизлиги ва меъёрий овқатланишнинг ижтимоий-ташкилий асослари. Ижтимоий гуруҳлар ва ҳудудлар даражасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари. Аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсат. Қишлоқ жойларини ривожлантириш ва диверсификациялаш сиёсати, инфратузилмани ривожлантириш дастури. Ўртача ва узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини

янада мустаҳкамлаш йўналишлари. Ўзбекистонда аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш йўналишлари. Жаҳон мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлиги. Глобал иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда халқаро ташкилотлар.

“ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЗАНЖИРЛАРИНИ БОШҚАРИШ” фани бўйича:

Етказиб бериш занжирларини бошқариш ҳақида умумий маълумотлар. Етказиб бериш занжирларини бошқаришнинг ривожланиш тарихи. Ишлаб чиқариш-логистик концепцияларнинг эволюциялари. Етказиб бериш занжирларининг ривожланиши. Етказиб бериш занжирларини бошқариш ва логистика. Етказиб бериш занжирларининг моҳияти ва улар билан бошқариш. Нарх-навони яратиш занжири ва етказиб бериш занжирларини бошқариш. Етказиб бериш занжирларининг таърифи ва хусусиятлари. Етказиб бериш занжирларини бошқаришнинг самарадорлиги. Ўзбекистон Республикасида етказиб бериш занжирларини бошқаришни ривожлантиришнинг истиқболлари. Етказиб бериш занжирларини бошқаришда асосий ечимлар. Етказиб бериш занжирларида ноаниқлик ва мувофиқлаштириш. Етказиб бериш занжирларида контроллинг (назорат). Balanced ScoreCard – мувозанатлашган кўрсаткичлар тизими. SCOR (Supply Chain Operation Reference Model – етказиб бериш занжирларининг референт модели). ривожланиш тарихи. SCOR – етказиб бериш занжирлари самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичи. SCOR ва ахборот тизимлари. Етказиб бериш занжирларини бошқариш тенденциялари. Ҳар хил шаклдаги етказиб бериш занжирларини бошқариш таснифи. Виртуал корхоналар. Ўзгарувчан етказиб бериш занжирлари. Етказиб бериш занжирларини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган бошқаруви. Мослашувчан етказиб бериш занжирларини аниқлаш ва улар билан бошқариш. Етказиб бериш занжирлари тизимини бошқаришнинг асосий босқичлари. Фирмаларда кооперация ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш. Бизнес-жараёнларни бошқариш. Жараёнлар ва уларни оптималлаштириш: асосий тушунча ва категориялар. Бизнес-жараёнларни моделлаштириш. SCOR (Supply Chain Operation Reference Model – етказиб бериш занжирларининг референт модели). Амалиётда жараёнларни яхшилашни амалга ошириш (SCOR мисолида). Етказиб бериш занжирларининг интеграцияси ва мувофиқлаштирилишини куриш тизими. Етказиб бериш занжирларининг интерациялашган бошқарувини мувофиқлаштириш стратегиясининг таснифи. Етказиб бериш занжирларини бошқаришда моделлаштириш, оптималлаштириш ва тизимли таҳлил. Етказиб бериш занжирларини бошқариш жараёнида қарорлар қабул қилишнинг концепциялари. Ноаниқлик шароитларида етказиб бериш занжирларининг самарадорлиги ва мустаҳамлиги.

“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ” фани бўйича:

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашнинг тарихи. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашнинг ҳозирги аҳволи. Мева-сабзавотларни сақлаш даврида маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар. Мева ва узумни қуритиш технологияси. Мева-узумни табиий равишда қуритиш. Данакли меваларни қуритиш. Олма ва нокни қуритиш. Мева ва сабзавот тайёрлаш технологияси. Консерваланган компотлар тайёрлаш технологияси. Томат пастаси тайёрлаш технологияси. Сабзавот ва меваларни сиркалаш технологияси. Консервалашнинг микробиологик усуллари. Шароб тайёрлаш технологияси. Ун ва макрон ишлаб чиқариш ва сақлаш. Сақлашда дон захиралари зарарқундаларига қарши кураш. Қанд лавлагини вақтинча сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. Мой ишлаб чиқариш технологияси. Тамақини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 103 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
6. Andrew Barkley and Paul W. Barkley. Principles of Agricultural Economics. - 1nd ed. Published in the USA and Canada by Routledge Taylor&Francis Group. USA. 2013.
7. Business Marketing & Logistics 780 Logistics Management. Lectures prof. Steven Robeano, bie MBA,2005.Ohoi State University.
8. Hanna Stolz, Ingrid Jahrl, Lukas Baumgart, Flurina Schneider Sensory Experiences and Expectations of Organic Food Funded by the European Commission under the Seventh Framework Programme for European Research & Technological Development for the period, Germany 2010
9. Donald Waters. Logistics. An introduction to Supply Chain Management. 2003. 354 p.

10. David Colman and Trevor Young. Principles of agricultural economics. University of Manchester, 1997. P.324.
11. David L. Debertin. Agricultural Production Economics Textbook. -2nd ed. Published by Macmillan. University of Kentucky, USA. 2012.
12. Eugenio Díaz-Bonilla . Macroeconomics, agriculture, and food security: A guide to policy analysis in developing countries Washington, International Food Policy Research Institute, 2015. P.644.
13. Gail L. Cramer, Clarence W. Jensen, Douglas D. Southgate. Jr. Agricultural economics and agribusiness. – New York, 2001. – 519 p.
14. Gary Bickel, Mark Nord, Cristofer Price, William Hamilton, John Cook. Guide to Measuring Household Food Security USA ,USDA, 2000.
15. Gerge W. Norton, Jeffrey Alwang and William A. Masters. Economics of Agricultural Development. -2nd ed. Published in the USA and Canada by Routlrdge Taylor&Francis Croup. USA. 2010.
16. Ronald D Knutson, J.B.L.Penn, Barry L. Flinchbaugh. Agricultural and Food Policy. 2015, Edition: 6 nd.
17. Abdug'aniev A.A., Abdug'aniev A.A. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. Darslik. - T: "Adib Nashriyoti" МЧЖ, 2011, – 400 b.
18. Samatov G.A., Rustamova I.B., Sheripbaeva U.A. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti va menejmenti. Darslik. Cholpon nomidagi nashriyot-matba ijodiy uyi. Toshkent. 2012 y. 320 b.
19. Umurzoqov O'.P., Toshboev A.J., Rashidov J., Toshboev A.A.. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti va menejmenti. Oquv qo'llanma . O'z.R Oliy va o'rta ta'lim vazirligi. –T.: "Iqtisod-Moliya", 2008y. -264 b.
20. Бусел И.П. Агробизнес: Учебное пособие- Минск, 2009.
21. Гаджинский А.М. "Логистика". Учебник. - М 2003 – 408с.
22. С.Гуломов. Маркетинг асослари. Т.2002.
23. Минаков И.А. Экономика сельского хозяйства. Учебное пособие. –М.: КолоС, 2002. -328с.
24. Назаренко В.И. Продовольственная безопасность: (в мире и в России) Монография. /Рос. акад. наук, Ин-т Европы. -Москва: Памятники исторической мысли, 2011. 284 с.
[URL:http://z3950.ksu.ru/bcover/0000690287_con.pdf](http://z3950.ksu.ru/bcover/0000690287_con.pdf)
25. П.С. Завьялов Маркетинг в схемах, таблицах. -М.:ИНФРА, 2001г.
26. Джереми Шапиро. Моделирование цепи поставок. Перевод с англ. Под ред. В.С. Лукинского – С пб. Питер, 2006 – 720 с. Научное пособие для специалистов.
27. Бауэрсокс Д. Логистика: Интегрированная цепь поставок: учеб. пособие. М.: Олимп Бизнес, 2010.
28. Логистика: учеб. для студ. высш. учеб. заведений / А.А. Гайдаенко, О.В. Гайдаенко. 2-е изд., стер. М.: КНОРУС, 2009.

29. Иванов Д.А. Управление цепями поставок / Д.А. Иванов. СПб.: Из-во Политехн. Ун-та, 2009. 660 с.
30. Новичков В. И., Калашников И. Б., Новичкова В. И. Аграрная политика. Учебное пособие. Москва. ИКЦ “Маркетинг”, 2001. 288 с.
31. Рустамова И.Б., Шерипбаева У.А., Дехконова Н.С., Ахмедова В. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДАУ. 2015. 174 б.
32. Саидова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Т.: “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси босмахонаси” нашриёти, 2016. 257 б.
33. Серова Е.В. Аграрная экономика: Учебник для студентов экономических вузов, факультетов и специальностей. – М.: ГУ ВШЭ, 2006. – 480 с.
34. www.agriculture.uz– Ўзбекистон агрохборот тизими таянч пунктининг сайти
35. www.agro.uz- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирилигининг сайти
36. www.fao.org – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) сайти.
37. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали
38. www.lex.uz– Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
39. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти